

## Абдулла Авлоний жаҳолатга қарши

Умида Баходировна Абдухакимова  
Тошкент давлат педагогика университети

**Аннотация:** Авлоний ҳаёти ва ижоди ҳақида мактаб дарслигида берилган. Бу мақолада Авлоний ҳақида қўшимча маълумот берилади. Бу маълумотлар ўзбек адабиётининг буюк алломаси - Авлоний ҳаёти ва ижодининг ёрқин қирраларини, унинг педагогик фаолиятини, адабиётга қўшган ҳиссасини кенгрок очиб беришга ёрдам беради.

**Калит сўзлар:** дарслик, муаллим, мактаб, ватан, жаҳолат, ғафлат истиқбол ахлоқ, тарбия, одоб.

## Abdullah Avloni is against ignorance

Umida Bahodirovna Abduxakimova  
Tashkent State Pedagogical University

**Abstract:** Given in a school textbook about the life and work of Avloni. This article provides more information about Avloni. This information will help to reveal the bright side of the life and work of the great scholar of Uzbek literature - Avloni, his pedagogical activity, his contribution to literature.

**Keywords:** textbook, teacher, school, homeland, ignorance, ignorant future ethics, upbringing, etiquette.

Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг мазмун- моҳиятига кўра асосий эътибор таълим сифати ва таълим берувчининг ҳар томонлама мукамал бўлишига қаратилган бир пайтда, билимлар пойдевори саналган мактаб асосий ўрин эгаллайди. Мактаб бу-кичик бир бошқарма. Унда таълим берувчи ва таълим олувчининг ўзига хос бўлган талаб ва мажбуриятлари мавжуд. Замонавий ўқитувчи энг аввал масъулиятли ва намунали муомала одобига эга бўлиши лозим. Шу билан бирга ўқувчиларини сева олиши, яъни болажон бўлиши, ўқувчисининг туйғусини ҳис қила олиш даражасида психолог бўлиши керак.

Баркамол ва ҳар томонлама салоҳиятли ёшларни тарбиялаш масаласи ҳар бир ижодкор асарларининг бош ғояси саналади. Боланинг шахс сифатида вояга етиши энг биринчи оилага бориб тақалади. У асосан оила муҳитида тарбияланиб, инсон сифатида шаклланади. Тарбия эса ҳаётнинг энг муҳим таянчи саналади.

Ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш зарурки, токи у яхши ўқиши билан энг юксак поғонага кўтарилсин.

Одоб-ахлоқ, тарбия тушунчаларини ўз асарларининг асосий пойдевори сифатида илгари сурган, ўзбек драматургияси ва театрининг янгича маорифи ва матбуотининг асосчиларидан саналмиш Аддулла Авлоний 1878-1934 йилларда яшаб ижод этган. Араб ва форс тилларини ёшлиқдаги мустақил мутолаа вақтида эгаллаган. Ҳижрон тахаллуси билан шеърлар битган. Авлоний матбуот ишларида фаол иштирок этиш билан бирга “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” ҳамда “Биринчи муаллим”, “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”, “Иккинчи муаллим” каби дарслик ва ўқиш китобларини яратган. Адибнинг “Иккинчи муаллим” китоби “Биринчи муаллим” китобининг узвий давомидир. Мазкур китоб мактабни олқишловчи шеър билан бошланади. Ижодкор ўз шеърида мактабнинг улуғ даргоҳ эканлигига урғу беради:

Мактаб сизни инсон қилур, Мактаб ҳаёт эҳсон қилур  
Мактаб ғами вайрон қилур  
Ғайрат қилиб ўқинг ўғлон!  
Мактабдадур илм-у камол  
Мактабдадур хусн-у ҳилол  
Мактабдадур миллий ҳаёл  
Ғайрат қилиб ўқинг, ўғлон!

Шоир бу мисралар орқали мактабни инсоннинг нажоткори, кишиларни комиллик ва камолот сари етакловчи куч сифатида талқин қилади. Жумладан, шоирнинг “Иккинчи муаллим” даги “Мактабга даъват” шеърида ҳам муаллиф бевосита ёш китобхонга мурожаат қилиб ёзади:

Бокди Гунаш панжарадан бизлара, Ётма деюр барча ўғил қизлара.  
Нолайи фарёд қилиб барча қуш:

Мактабингиз вақти,-деюр сизлара. Бошлади ҳар кирн ўз ишин ишлара,  
Сиз-да туринг, мактабингиз излара.

Сиз-да китобларни(нг) олинг шавқ ила, Тез югуринг илм йўлини гезлара.

Шоир таъкидида тонгнинг отиши,ширин уйқудан кўз очиши ўз ва рамзий маъно касб этган. Аввало, сахарда чиққан куёш ўзининг харир рўмолини эндигина олган бир пайтда, панжарадан мўралаб, ухлаб ётган болакайни ўз нурлари билан эркалаб уйғотиши, шунингдек, тонг қушларнинг парвози, чуғурчиқланиши, боларию бузоқларни эрта уйғотиб, кундалик “машғулотиға ундагани каби кичкинтой ўғил- қизларга ҳам китоб-дафтарни қўлга олиб, илм йўлини излашга даъват этаётгани англашилади. Бундан ташқари, шеър мазмунида жаҳолат ва ғафлат уйқусидан уйғониш, ўзлигини англаш туйғуси, миллий ғурур ва ифтихор туйғуси ҳам мавжуд. Шоирнинг “Иккинчи муаллим”даги “Мактаб” шеърида ҳам ёш китобхонлар - мактаб ўқувчиларига мурожаати сезилади:

Мактаб уйи-дорул-омон, Мактаб ҳаёти жовидон,  
Мактаб сафойи қалби жон,  
Ғайрат қилиб ўқинг, ўғлон!

Шеърда мактаб тинчлик, омонлик уйи, ҳаёт манбаи, қалбларга яхшилик, равшанлик келтирувчи жой сифатида тасвирланиши билан бирга, у ахлоқ-одоб уйи, Аллоҳнинг эҳсони ва бир ажиб гулшан сифатида талқин этилади. Муаллифнинг “Мактаб гулисони” китобидаги “Мактаб” шеърда ҳам ушбу фикрлар мантиқан давом этади:

Фирдавси жинон мактаб, нодонларажон мактаб, Билган кишига қадрин, бир доруломон мактаб. Жоҳиллара ғам мактаб, ялқовлара кам мактаб, Хуснихат кишиларга чин руҳи равон мактаб.

Жоним, ўқунгиз мактаб, бору йўқингиз мактаб, Сизлар учун, авлодим, боғу гулистон мактаб.

Шунга ўхшаш, “Мактаб” номли шеър А.Авлонийнинг “Адабиёт ёхуд миллий шеърлардан 2-жузв” китобида ҳам учраши бежиз эмас. Унда мактаб таърифининг янада янги қирралари бўртиб туради:

Мактабдур офтоби жаҳон, саодатинг, Мактабдур осмони замон, сабоватинг... Мактаб насими субҳ каби фикра жон верар, Мактаб ҳаёти зийнатидур одамиятинг...

Авлоний ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар мактаб дарсликларидан ҳам ўрин олган. Кўринадики, шеърлар мавзу жиҳатдан бир, аммо уларнинг талқини, бадий ифодаси мураккаблаша борган. Биринчи шеърда шоир ёш китобхонни ўқишга, илм- маърифатга тарғиб қилса, иккинчи шеърда мактабнинг кимларга фойдаю, қандай кишиларга зарар экани қиёсланади; учинчи шеърда эса мактабнинг алоҳида манфаатлари хусусида эмас, балки миллат, халқ ва юртга келтирадиган фойдалари тилга олинади.

А.Авлоний болаларга самимий фикрларини ўйноқи сатрларда тасвирлаш билан бирга, Ватан ва унинг қисмати билан боғлиқ жиддий мулоҳазаларни-да баён этади. Жумладан, “Ватан” номли шеърда она-юртнинг ноз-неъматлари, бойликлари таъриф- тавсиф этилади. Шу билан бирга, онадай азиз, мушфиқ гўша ҳақидаги қайғули нола янграйди: Чунки бола тарбиясида ватанпарварлик ғоялари муҳим ўрин тутди. Ижодкор ватанни онага қиёслайди. Ўз онасини ардоқлаган, уни ҳимоя қила олган болагина ватанини ҳам ёвуз кучлардан ҳимоя қила олади деган фикрни илгари суради.

Онамизсан! Бизнинг мушфиқ онамизсан!

Жавлон уриб яшайдургон хонамизсан! Сени сотмоқ мумкинмидур, ўзинг ўйла, Тилинг бўлса, ҳасратларинг тузук сўйла! Сотиб-сотиб қоладурмиз ғамга ботиб, Бойкуш каби вайронада ётиб-ётиб.

Шоир ўтмишда маърифат гулшани бўлган юртимизнинг жаҳолат ботқоғига ботганидан афсуслар чекиб, ватанимиз тобора вайронага айланаётгани, илм-маърифатга ошно қалбларгина бундай балодан қутулишини таъкидлайди. Шу маънода шоирнинг “Илмга тарғиб”, “Жаҳолат”, “Истиқболдан орзуларим”,

“Миллатга салом” шеърлари миллат фарзандларига хитоб тарзида битилган. Умуман, А.Авлоний “Биринчи муаллим” ва “Иккинчи муаллим” китобларида ёш китобхонлар тафаккурига мос илм хосияти ва илмсизлик оқибати тўғрисида панднома тарзидаги сатрлами битган бўлса, “Мактаб гулистони”даги шеър, ҳикоя ва масалларда ижтимоий долзарб муаммолами ҳам қамраб олиши ойдинлашади. Айниқса, “Сахийлик” ва “Бахиллик” номли ҳикоялари мактабда таҳсил олаётган болалар дуёқарашида катта таъсир кўрсатади. Биринчи ҳикояда Саид исмли боланинг мактаб йўлида бир фақир кишини учратиб қолганлиги ва ёшгина боланинг бағри кенглиги ҳикоя қилинади. Бу воқеадан хабар топган отаси Саидни мукофотлайди. Бу ўринда бола тарбиясида сахийлик ва бағрикенглик ғоялари тараннум этилади. Иккинчи ҳикояда эса бахилликнинг ёмон оқибатлари бир бадавлат киши мисолида талқин этилади, унинг бахиллиги, зикналиги ва пасткашлиги қораланади. Бундай асарлар орқали ёш авлодни маърифатга даъват этиш билан бирга, уларни ватанпарвар, ўз миллатига, юртига садоқатли қилиб тарбиялаш мақсади етакчи ўрин эгаллайди. Умуман олиб қараганда, адабиёт педагогика фани билан узвий боғлиқ. Адабиётда ёзилган ҳар қандай асар мазмунида келажак авлод тарбияси ётади.

#### ХУЛОСА

Ушбу мақола ўзбек адабиётининг буюк алломаси - Авлоний ҳаёти ва ижодининг ёрқин қирраларини, унинг педагогик фаолиятини, адабиётга қўшган ҳиссасини кенгроқ очиб беришга ёрдам беради. Шу билан бирга, мактаб дарслигида мавжуд бўлмаган қимматли маълумотларни ўз ичига олади. Шу учун бу мақола аҳамиятлидир.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Баракаев Р. “А.Авлоний ва болалар адабиёти”. Т: Фан, 2004.
2. “Болалар адабиёти ва замонавийлик”. Т: Фан 1981.
3. Дилова Н.Г. (2018). Важность совместного обучения в повышении эффективности начального образования. Интернационал ссиентифик ревиюв оф тхе проблемс анд проспектс оф модерн ссиенсе анд эдукатион. С. 90-91.
4. Дилова Н.Г. (2013). Требования к учителю по организации сотрудничества учащихся начальных классов в учебном процессе. Актуальные проблемы современной науки. № 4 (72). С. 55-57.
5. Расулова З.Д. (2020). Дидактические основы развития у будущих учителей креативного мышления. Эуропеан ссиенсе, вол. 51, но. 2-2, пп. 65-68.
6. Расулова З.Д. (2018). Значения обучающих технологий направленной личности на уроках трудового обучения. Ученые ХХИ века, Т. 47, № 12, С. 34-35.

7. Дилова Н.Г., Саидова М.Ж. (2020). Формативе ассесмент оф студентсь кновледге ас ан инновативе апроач то едукацион. Тхе Американ Жоурнал оф Сосиал Ссиенсе анд Эдукацион Инноватионс. 2:12, П. 190-196.

8. Дилова Н.Г., Саидова М.Ж. (2021). Инновативе апроач то едукацион ис а фактор фор девелопинг нев кновледге, компетенсе анд персонал куалитиес. Асиан Жоурнал оф Мултидименсионал Ресearч (АЖМР). 1:10, П. 148-153.

9. Дилова Н.Г. (2017). Оппортуниетес оф Пупилсь Комплекс Девелопмент он тхе Басес оф Модернизатион тхе Контент оф Примарй Эдукацион. Эастерн Эуропеан Ссиентифик Жоурнал. Но. 1, пп. 1-4.

10. Дилова Н.Г. (2017). Активитй Ареас оф Примарй Счоол Теачерс. Эастерн Эуропеан Ссиентифик Жоурнал. Но. 6, пп. 1-6.

11. Дилова Н.Г. (2021). Шарқ алломаларининг илмий мероси – учинчи ренесанс учун катта имконият. Ссиенсе анд Эдукацион. Вол. 2, Иссуе 10, 506-514 бетлар.

12. Дилова Н.Г. (2021). Аждодларимиз мероси воситасида бўлажак ўқитувчиларга таълим-тарбия беришнинг аҳамияти. Ссиенсе анд Эдукацион. Вол. 2, Иссуе 10, 515- 523 бетлар.

13. Дилова Н.Г. (2021). Бошланғич таълимда ўқувчиларда шахслараро муносабатларга киришиш кўникмаларини шакллантириш имкониятлар. Ссиенсе анд Эдукацион. Вол. 2, Иссуе 10, 524-533 бетлар.

14. Дилова Н.Г. (2021). Шахслараро муносабатларга асосланган таълим жараёнини моделлаштириш. Ссиенсе анд Эдукацион. Вол. 2, Иссуе 10, 534-546 бетлар.

15. Дилова Н.Г. (2021). Педагогик ҳамкорлик жараёнининг мазмуни ва уни ташкил этиш тамойиллари. Ссиенсе анд Эдукацион. Вол. 2, Иссуе 10, 547-557 бетлар.

16. Дилова Н.Г. (2021). Ўқувчиларнинг шахсий сифатлари - педагогик ҳамкорликнинг дастлабки тамойили. Ссиенсе анд Эдукацион. Вол. 2, Иссуе 10, 558-566 бетлар.

17. Дилова Н.Г. (2021). Ўқитувчи-ўқувчи ҳамкорлигини вужудга келтиришнинг педагогик аҳамияти. Ссиенсе анд Эдукацион. Вол. 2, Иссуе 10, 567-576 бетлар.

18. Дилова Н.Г. (2021). Аждодлар меросида таълимдаги ўзаро ҳамкорлик муносабатлари. Ссиенсе анд Эдукацион. Вол. 2, Иссуе 10, 577-585 бетлар.

19. Расулова З. (2021). Бўлажак технология фани ўқитувчисининг билим, кўникмасини ривожлантиришда дастурий таълим воситаларининг ўрни. Ссиенсе анд Эдукацион. Вол. 2, Иссуе 10, 370-379 бетлар.

20. Расулова З.Д. (2021). Инновацион педагогик технологиялар асосида олий таълим муассасаси ўқув жараёнларини такомиллаштириш мазмуни. Ссиенсе анд Эдукатион. Вол. 2, Иссеу 10, 460-469 бетлар.

21. Расулова З. (2021). Педагогик дастурий воситалардан фойдаланиб бўлажак технология фани ўқитувчиларининг касбий маҳоратини ошириш йўллари. Ссиенсе анд Эдукатион. Вол. 2, Иссеу 10, 416-426 бетлар.

22. Расулова З.Д. (2021). Талабаларнинг креативлигини ривожлантиришда масофавий таълимнинг ўрни. Ссиенсе анд Эдукатион. Вол. 2, Иссеу 10, 439-448 бетлар.

23. Расулова З.Д. (2021). Муаммоли вазиятлар орқали талабаларнинг ўқув-билим фаолиятларини ривожлантириш. Ссиенсе анд Эдукатион. Вол. 2, Иссеу 10, 481-491 бетлар.

24. Расулова З. (2021). Технология дарсларида интерфаол таълим технологияларидан фойдаланишнинг самарали жиҳатлари. Ссиенсе анд Эдукатион. Вол. 2, Иссеу 10, 360-369 бетлар.

25. Расулова З.Д. (2021). Технология дарсларида шахсга йўналтирилган таълим технологияларидан фойдаланиш. Ссиенсе анд Эдукатион. Вол. 2, Иссеу 10, 470-480 бетлар.

26. Расулова З.Д. (2021). Электрон таълим ресурсларидан фойдаланиб ўқув жараёнларини такомиллаштириш. Ссиенсе анд Эдукатион. Вол. 2, Иссеу 10, 449-459 бетлар.

27. Расулова З.Д. (2021). Таълим жараёнида мультимедиа технологияларидан фойдаланиш. Ссиентифик Прогресс. Вол. 2, Иссеу 6, 988-994 бетлар.

28. Расулова З.Д. (2021). Технология фани амалий машғулотларида ролли ва ишбоп ўйинлардан фойдаланиш. Ссиентифик Прогресс. Вол. 2, Иссеу 6, 972-979 бетлар.

29. Расулова З.Д. (2021). Ҳамкорлик технологиясига асосланган таълим жараёнини ташкил этиш. Ссиентифик Прогресс. Вол. 2, Иссеу 6, 964-971 бетлар.

30. Расулова З.Д. (2021). Бўлажак технология фани ўқитувчиларини тайёрлашда педагогик тизим мазмуни. Ссиентифик Прогресс. Вол. 2, Иссеу 6, 980-987 бетлар.